

Павел Георгиевич Сафонов анча йиллардан буён катта бир заводда конструктор бўлиб ишлаб келаяпти. У ўзининг тажрибаси, билими, уддабуронлиги билан хамкасблари, раҳбарлар орасида анча-мунча обрў-еътиборга сазовор бўлган.

У хар йили кишнинг совук кунлари тугаши билан таътилга чикади. Бу йил хам изгирин кунлардан кутулиб олган Сафонов Кримнинг жанубий сохилидаги сихатгохлардан бирида дам олиб кайтди. Тўйиб ухлади, асабларига дам берди, хуллас, кейинги ишларига куч тўплади. Москвага кайтаётган поезд йўл-йўлакай жонажон юрти, тугилиб ўсан шахарчасида тўхтади. Шу пайт унинг кўнглида ўзгача бир туйгу пайдо бўлди. Кимдир уни ана шу стансиядга тушишга ундаётгандек бўларди. Тўсатдан кўнгилга келган бу истак ахийри тушиб колишга мажбур килди.

Иш билан бўлиб, бу ерларга анчадан бери келмаган эди. Поезддан тушди-ю, эсидан хам чикиб улгурган шахарчани айланишга тушиб кетди. У харобгина кўчаларга, анчадан бери таъмиранмаган биноларга бирма-бир назар ташлар, худди уларни эслагандек бўларди-ю, барибир, хеч нарсани хотирлай олмасди. Дараҳтлар орасида кўриниб турган бир бино унга бошкаларидан кўра иликрок кўринди. Нихоят эслади, бу унинг жонажон мактаби. У аввал кандай бўлса шундайлигича турибди, хеч ўзгармаган. Ўша девор, ўша ховли...

Мактабнинг ўнг томонида кичкинагина ховлича бўларди, у хозир хам худди олдингидай турибди. Бу миттигина кулбача унга болалигини эслатди. Бу уйда унинг математика ўқитувчиси Мария Петровна яшар эди.

Кизик, нега у шу пайтгача севимли ўқитувчисини хеч эсламаган экан? Бир пайтлар Сафонов ана шу муаллиманинг энг зукко, энг билимдон ўкувчиларидан эди. Мария Петровна Сафоновнинг математикадан иктидори борлигини кўп таъкидларди. Ха, Мария Петровна унинг энг яхши ўқитувчиларидан бири эди. Кўришмаганларига хам анча бўлди. Хозир хам шу ердамикин? Хаётмикин?

Ана шундай хаёллар билан Сафонов ўша мўжазгина уйнинг зинасига якинлашиб колганлигини сезмай колди. Юрак тўла хаяжон билан эшикни такиллатди.

– Ким бу? – деган овоз эшитилди-ю, эшик олдида ўрта бўйли, нозиккина бир аёл пайдо бўлди. Бу хоксор аёл Мария Петровна эди. У меҳмонни бошдан оёқ кўздан кечириб, бирдан:

– Паша Сафонов?.. Паша? – деб юборди.

Севинчи ичига сигмай кетган муаллима ўкувчисини уйга таклиф килди, дастурхон ёзиб, хол-ахвол сўрай бошлади:

– Хўш, Паша, кайси шамоллар учирди бу ерларга? Сени бундай атаётганимга яна хафа бўлмагин. Анча ўзгариб кетибсан... Гапир-чи, нима гаплар оламда, хизмат сафари билан келдингми?

– Йўл-йўлакай ўта туриб, бир кўриб кетай дедим-да, – у шундай деди-ю, бирдан айбор инсондай ерга караб олди.

– Айтгандай, газеталарда сен хакингда тез-тез ўкиб тураман. Уйландингми, ишкилиб? – ошикиб сўради у.

– Ха, Мария Петровна, оиласам, битта ўглим бор.

– Жуда яхши, ишингдан гапир, нималар билан машгулсан?

– Янги лойихалар устида ишлайпман, Мария Петровна.

Сафонов бир кулиб кўйди-да, мактабидан сўз очди:

- Синфдошларимиз келиб туришадими, яхши юришибдими?
- Синфингизни кўп эслайман... Ўзиям мактабдаги энг шўх, энг тўполончи ўкувчилар сизларда эди. Лекин шунга карамай деярли хаммангиз яхши ўкирдингиз.
- Мария Петровна, эсингиздами, сиз менга алгебрадан икки кўйган эдингиз?
- Ха, уй вазифасини бажармаганинг учун. Сен математикадан кучли эдинг, лекин дангасалигинг бор эди... Миша Шехтер эсингдами?
- Бўлмасам-чи. Хаммамиз унинг адабиётдан ёзган иншоларини яхши кўрардик.
- У журналист бўлиб кетди, — секингина айтиб кўйди Мария Петровна. — Маколаларини тез-тез ўкиб тураман. Согинаман уни, лекин кўрмаганинг анча бўлди.
- Эшитишимча, Витка Снегирёв Уралда завод директори экан. Мен уни Москвада кўргандим: анча савлатли, таниб бўлмайди. У келиб тургандир?

Жавоб бўлавермагач, Сафонов яна гап бошлади:

- Ўзи синфимиздан кимлар келди, Гриша Самойлов хам йўкламадими? Артист эсингиздами, унинг истеъдодини жуда кадрлардингиз.
- У суратга тушган фильмларни маза килиб томоша киламан.
- Мария Петровна, балки, бирортаси хат ёзгандир? Эсингиздами, Володя Бойков, Нина Винокурова деганлари бўларди. Юра Грил? Ундан бирор хабар борми?
- Йўк, Паша, — деди у охистагина. — Коля Сибиртсев келиб туради. У шу ерда заводда ишлайди. Унинг хаёти кўнгилдагидай бўлмади.

Шунда орага сукунат чўкди. Сафонов ўзининг, синфдошларининг устозга нисбатан бунчалар бехурмат бўлганидан уялиб кетди. Гапиришга гап тополмай, атрофга назар ташлай бошлади. Бирдан кўзи самолётсозликка оид китобга тушди. Бу китобнинг муаллифи хозир айборлардай уялиб ўтирган ана шу олим эди.

- Мария Петровна, бу китобни каердан олдингиз? Ахир, унинг сизга хеч хам кизиги йўқ-ку?

— Соҳанг менга бегона бўлса-да, сенинг китобинг бўлганлиги сабабли сотиб олдим. Сафонов китобни кўлига олди-ю, яна ўйга чўмди, ўз-ўзини айблай бошлади. Хурмат юзасидан у китобини ўзи совга килиши, биринчи бетига тилаклар ёзиб бериши даркор эди. Лекин...

- Мария Петровна, келинг мен сизга ўз тилакларимни ёзиб берай.

Кутилмаганда, китоб ичидан кичкинагина когозча тушиб кетди, шошилиб уни ердан олар экан, бир пайтлар газетадан киркиб олинган ўзининг суратини кўрди.

- Яхши ёзибсан... Бошдан-охир ўкиб чиқдим. Суратни газетадан эсталик учун киркиб олдим. Кўрган захотим сенга телеграмма берган эдим.

У гўё нохуш бир нарсани олгандай шоша-пиша варакчани китоб ичига яширди, уни уят ва ўз-ўзидан нафратланиш хисси коплади. Энди эслади, хакикатан хам, бундан икки йил муқаддам бир канча табрик телеграммалари келган эди. Демак, у бошка телеграммалар катори Мария Петровнанинг мактубини хам жавобсиз колдирган экан. Ўз-ўзидан нафратланиб, бирдан бу ердан чикиб кетгиси келди. Кетишга чикканида ўқитувчиси уни кузатаётib тўsatдан сўради:

- Паша, айт-чи, сенинг муваффакиятларингда менинг жиндек бўлса хам хиссам борми?

— Мария Петровна, нималар деяпсиз? Агар сиз бўлмаганингизда...

Муаллима унинг кўзларига тикилиб деди:

- Рахмат сенга, мени бенихоя шод этдинг. Эртага бутун мактаб сенинг ташрифинг хакида эшитади. Мен хаммага фахрланиб хикоя килиб бераман. Майли, Паша,

ишларингда омад ёр бўлсин...

Павел Георгиевич йўл бўйи уятдан ич-ичини кемирди. У мактабдошлари, синфдошлари, ёшлиқдаги дўстларини бирма-бир эслаб чикди. Хар бирига алоҳида-алоҳида мактублар йўллагиси келди, лекин улардан бирортасининг хам манзилини билмасди. Ахири, Мария Петровнага узундан-узок кечирим хатини ёзишга карор килди. Бахтга карши устозининг хам уй манзилини эслай олмади. Ўйлай-ўйлай ечим топди: у мактубни мактаб манзилига жўнатадиган бўлди.

Поезддан тушди-ю, хеч иккиланмай почта шахобчасига йўл олди. Мария Петровна номига телеграмма ёзди. Мактуб бор-йўги икки сўздан иборат эди: “Бизни кечиринг”.

Каримахон Толипова таржимаси